

**«FARXOD DEHQON BOZORI» aksiyadorlik jamiyati  
акциядорларининг 2023 йил яқунлари бўйича навбатдаги  
умумий йигилиши  
БАЁНИ**

**9 апрел 2024 йил**

**Тошкент шаҳри.**

«FARXOD DEHQON BOZORI» aksiyadorlik jamiyati акциядорларининг 2023 йил яқунлари бўйича навбатдаги умумий йигилиши Тошкент шаҳар Учтепа туман Чилонзор Г9А мавзесида, жамиятнинг маъмурий биносида 2024 йил 9 апрелда ўтказилди. Жамиятда овоз берувчи акцияларнинг умумий сони 27341831 тани ташкил этади. Умумий йигилишда 27072331 та овозга эга бўлган Тошкент шаҳар Хокимияти номидан ишончнома асосида Тошкент шаҳар хокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКнинг “Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари департаменти” бўлим бошлиғи ўринбосари Ш.Шамансуров ва 1416 та овозга эга бўлган жисмоний шахслар-жамият акциядорлари қатнашди. Умумий йигилиш ўтказиш учун жами овозлар сони 27073747 та бўлиб, кворум 99,387 фоизни ташкил этди.

Йигилишда раисликни Ш.Шамансуров олиб борди.

Ш.Шамансуров умумий йигилиш ўтказиш учун кворум 99,02 фоиз бўлганлигини ва йигилишни очиш ҳақида таклиф тушгандигини маълум қилди ва йигилишни очиш учун овозга кўйди.

Йигилиш қатнашчилари бир овоздан йигилишни очиш учун овоз бердилар.

Йигилиш раиси Ш.Шамансуров йигилиш раёсатига З киши: Ш.Шамансуров, Т.Камолов ва Б.Тоиров номзодлари таклиф этилганлигини билдириб овозга кўйди.

Йигилиш қатнашчилари томонидан номзодлар бир овоздан қабул қилинди.

Йигилишга котиб этиб Артиков А.А. номзоди таклиф этилди ва йигилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Ш.Шамансуров йигилишда акциядорлар ҳисобини олиб бориш, овоз бериш бюллетенларини тарқатиши, овозлар сонини ҳисоблаш учун жамият Кузатув кенгаши томонидан тузилган саноқ комиссияси таркибини тасдиқлашни айтиб, саноқ комиссияси номзодлигига таклиф этилган Г.Р.Фатхуллаева, Б.А.Хайдаров ва Д.М.Музаффароваларнинг номзодларини овозга кўйди.

Саноқ комиссияси таркиби бир овоздан қабул қилинди.

Йигилиш раиси Ш.Шамансуров йигилиш кун тартибига Кузатув кенгаши томонидан қўйидаги масалалар киритилганлигини маълум қилди:

**Кун тартиби**

1. Жамиятнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг ишлек ҳисоботини, жамиятни ривожлантириши стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшиштиш.
2. Жамиятнинг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик хуносасини кўриб чиқши.
3. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича ишлек ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича фойда ва заарлари ҳисоб варагини тасдиқлаш, унинг фойдасини тақсимлаш.
5. Жамиятнинг 2024 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаш.
6. Жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи;
7. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш.
8. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаши натижаларини кўриб чиқши.
9. Жамиятнинг 2024 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш.
10. Жамиятнинг ташкилий тузушларини ўзгартиши ва қайта тасдиқлаш.

**Йигилиш регламенти куйидагича тасдиқланди:**

**Асосий масалаларга 10 минутгача.**

**Сўзга чиқувчиларга 5 минутгача.**

**Йигилиш регламенти куйидагича тасдиқланди:**

1. Биринчи масала юзасидан- 5 мин	6. Олтинчи масала юзасидан- 5 мин
2. Иккинчи масала юзасидан- 3 мин	7. Етгинчи масала юзасидан- 5 мин
3. Учинчи масала юзасидан- 3 мин	8. Саккизинчи масала юзасидан-3 мин
4. Туртинчи масала юзасидан- 5 мин	9. Тўққизинчи масала юзасидан- 3 мин
5. Бешинчи масала юзасидан- 5 мин	10. Ўнинчи масала юзасидан- 3 мин

**Сўзга чиқувчиларга 3-5 минутгача.**

**Йигилиш кун тартибидаги биринчи масала бўйича жамият директори Б.Тоировнинг хисоботи тингланди.**

«Фарход дехқон бозори» акциядорлик жамияти ўз иш фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ -1326 сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли карорлари хамда Тошкент шахар ҳокимлигининг бозорлар фаолиятига тааътукли бўлган қарор ва кўрсатмалари асосида олиб борди. «Фарход дехқон бозори» акциядорлик жамияти бошқаруви ўзининг устивор вазифаларидан келиб чиқкан ҳолда бозор ҳудудида сотувчи ва тадбиркорларга кулай шарт-шароитлар яратиш, бозор ҳудудида санитар-техник ҳолатни яхшилаш билан бирга долзарб масалалардан бўлган ахолини арzon ва сифатли қишлоқ-хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тулароқ қондириш, бозор фаолиятини тартибга солиш, сотувчи ва харидорларга кулай шарт шароитлар яратиш, санитария ҳолатларни яхшилаш, ободонлаштириш ва истеъмол товарлари чакана савдосини тартибга солиш, бўйича амалга ошириладиган чора тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланиб, 2023 йил давомида тегишли ишлар амалга оширилди.

-Мавжуд савдо расталари оралиғидаги ортиқча буюмлар чиқариб ташланди ва таг кисмлари оқланди , савдо ўринлари инвентаризациядан ўтказилди.

-Бозор атрофи ҳудудларида ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, манзарали ва мевали дараҳт кўчатлари хамда мавсумий гуллар экилди.

-Бозорлар фаолиятини талаб даражасида тўғри ташкил этиш мақсадида ҳар куни эрталаб соат 9-00да иш бошланиб кеч соат 19-00 га қадар жойига чиқиб, бозорнинг санитар ҳолати хамда у ерда яратилган шароитларни мунтазам ўрганилди ва камчиликлар жойида бартараф этилди.

-Бозор ҳудудида умумий овқатланиш, савдо тармоқларида сотилаётган озиқ-овкат, қишлоқ ҳўжалик, чорвачилик маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича иуман СЭО ва ЖСХ ҳамда ветеринария-санитария назорати кучайтирилди, ҳар бир маҳсулотнинг сифатини истеъмолга яроқлигини кафолатловчи ҳужжатларни олгандан сўнг савдо ташкиллаштирилди.

- Сотувчilar етарли миқдорда электрон тарозилар билан таъминланди.

-Сотилаётган чорвачилик, паррандачилик, балиқ ва баъзи қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини (салатлар ва бошқалар) ветеринария-санитария лабораториясининг тахлилидан ўтказмасдан савдога қўймаслик чоралари кўрилди.

- Уй шароитида тайёрланган таомлар, салқин ичимликлар, кремли қандолат маҳсулотлари консервалар ва қўзиқоринларни давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг рухсатисиз сотилиши қатъий таъқиқланди ва назоратга олинди.

- Аниқ жадвал асосида кундалик тозалаш ишлари ташкил этилди ва чиқиндиларни йигилиб қолишига йўл қўймаслик чоралари кўрилди

Мавжуд савдо ўринлари учун ўрнатилган тартибда патта тўловлари тўғридан-тўғри банк тизимиға кирим килиниши таъминланди ва доимий назоратга олинди.

Тошкент шахар ҳокимлиги ва бозор маъмурияти томонидан ташкил этилган арzonлаштирилган қишлоқ ҳўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдо ярмаркаси

ташкилаштирилиб, ярмарка савдо расталарида шакар, писта ёғи, ун ва турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари арzonлаштирилган нархларда сотилди. Шунингдек, бозорга биритирилган Қашқадарё вилоят дехқон хўжаликлари учун барча шароитларга эга савдо ўринлари ташкил этилиб, улар томонидан келтирилган маҳсулотлар сифати, ҳажми ҳамда нархлари доимий ўрганиб борилди ва кундалик маълумотлар тақдим этиб борилиши таъминланди.

Худудларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бозор худудига ўрнатилган видео камераларни доимий ишлаши операторлар томонидан назоратга олинди. Бундан ташқари худуддаги савдо дўконларидағи видео камераларни доимий ишлаши назоратга олинди. Мавжуд ёнгин ўчириш қалқонлари керакли анжомлар билан жихозланди.

Жамият «Бизнес режаси»нинг асосий кисми даромадлар ва харажатлар сметасидан ташкил топган бўлиб, унинг бажарилиши қўйидаги кўринишда ўз аксини топди: Ижара ҳаки режаси 2699150,0 минг сўм, амалда 2719182,0 минг сўм, режага нисбатан 20032,0 минг сўмга кўп бажарилди. Жой ҳаки режаси 4088082,0 минг сўм, амалда 4116336,0 минг. сўмга бажарилди. Хизмат ҳаки режаси 2837292,0 минг сўм, амалда 2841952,0 минг сўм этиб бажарилди.

Жамиятнинг 2023 йилга режалаштирилган харажатлар режаси 7167170,0 минг сўм, амалда 7498494,0 минг сўм, режага нисбатан 331324,0 минг сўм кам харажат килинди.

Соф фойда режаси 1567963,0 минг сўм бўлиб, амалда 1374043,0 минг сўмга бажарилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон карори иловасининг 37- бандига асосан кўрсатгичлар СИК (КПЭ) бўйича жамият фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари 104,0 % ташкил этди

Жамият раҳбарияти ва ишли ходимлари хукуматимиз раҳбарияти, ҳокимликлар томонидан чикарилган қарорлар асосида ўз иш фаолиятини давом эттиради.

Йиғилиш кун тартибидаги **иккинчи** масала бўйича «FTF-LEA-AUDIT» МЧЖ томонидан миллий стандартларга кўра ўтказилган аудиторлик текширувлари натижалари билан таништириш учун сўз ушбу аудиторлик вакилига берилди. Аудитор вакили сўзга чиқиб, жамиятда аудиторлик текшируви натижасига кўра, жамият молиявий ва хўжалик фаолияти, ҳамда бухгалтерия ҳисботлари Ўзбекистон Республикасидаги қонунчилигига мувофиқ келиши ҳақида ҳисбот ижобий хulosаси берилгани ҳақида маълумот берди.

Акциядорлар томонидан аудиторлик текшируvida қандай камчиликлар аниқланганлиги, уларни бартараф этилиши бўйича саволлар бўлди.

Аудитор томонидан хужжатларни расмийлаштиришда айрим камчиликлар бўлгани ва ушбу камчиликларни тўғрилаб, берилган таклиф ва тавсияларга кўра жамият хужжатлари тўғрилангани тўғрисида маълумот берилди (*аудиторлик текшируви хulosаси илова қилинади*).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **учинчи** масала бўйича жамият бош ҳисобчиси Ш.Ибоев сўзга чиқиб, жамиятнинг 2023 йил якуний баланси бўйича ахборот берди.

Жамиятнинг баланси бўйича саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи кўрилган масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи** масала бўйича жамият бош ҳисобчиси сўзга чиқиб, 2023 йил якуни бўйича жамият даромадлар ва харажатлар сметасига асосан ҳамда жамият ташки аудитори «FTF-LEA-AUDIT» МЧЖ томонидан берилган ижобий аудиторлик хulosасига, шунингдек, жамиятнинг бухгалтерия баланс кўрсаткичларига мувофиқ, 2023 йил якуни бўйича олинган 1374043,0 минг сўм соф фойдасини кўйидагича тақсимланишини таклиф этилганлигини маълум қилди:

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813-сонли қонуни 12-бандида “Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан, уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2024 йилнинг 1 июлига қадар 2023 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорида ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2024 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади. Шунингдек, устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган

олтин қазиб олувчи корхоналар 2023 ва 2024 йиллардаги соф фойдасининг 100 фоизини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига дивидендлар тарзида ўтказади” деб белгилаб кўйилганидан келиб чиқиб, жамият соф фойдасининг 50% қисми яъни, 687.036.250 сўми акциядорларга дивиденд тўлашга йўналтириш, жамиятнинг заҳира жамгармасига 68.703.625 сўм, жамият бошқарувига яъни, кузатув кенгашига (45.480.000) ва ижроия органига (ходимларига 223377500) жами 268.857.500 сўм ажратиш ва қолган 394.955.125 сўмни жамиятни ривожлантириш ва кенгайтириш мақсадлари учун жамият ихтиёрига қолдирилиши таклифини айтди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йигилиш кун тартибидаги **бешинчи** масала бўйича жамият директори в.б Б.Тоиров сўзга чиқиб, жамиятнинг 2024 йилга режалаштирилган “Бизнес-режаси” ҳамда “2024 йил учун даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” билан йигилиш қатнашчиларини таништирди.

Шунингдек, жамият раҳбари 2024 йилда жамият ҳудудининг барча жойларида ички инфратузилмани яхшилаш, бозорнинг ташки кўриниш фасадига замонавий тус бериш, тадбиркорлар ва харидорларга кўшимча куляйликлар яратиш, жамиятнинг ходимлари ойликларини босқичма-босқич ошириш, қарздорликларни батамом камайтириш бўйича тегишли ишлар олиб бориб, уни бартараф этиш чораларини кўриш, пул тушумларини ошириш бўйича кескин чоралар кўриш ва бошқа амалга оширилиши режалаштирилган вазифалар ҳақида фикр билдириди.

Бундан ташқари, 2024 йил учун тайёрланган «БИЗНЕС РЕЖА» ва “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”даги кўрсаткичлар бутунги кунда амалда бўлган Тошкент шаҳар ҳокимининг 2024 йил 26 марта 198-14-0-Q/24-сонли “Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йигимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш тўғрисида”ги қароридан келиб чиқиб ишлаб чиқилганлиги айтди.

Маърузачининг берилган саволларга жавобидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

**Олтинчи масала Ш.Шомансуров сўзга чиқиб, куйидагиларни айтиб ўтди:**

2023 йил 12 апрел куни утказилган жамият акциядорлари умумий йигилишида жамият директори Б.Тоиров сайлангани ва у билан 3 йил муддатга меҳнат шартномаси имзолангани ва меҳнат шартномасида Узбекистон Республикасининг 2022 йил 29 марта “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Узбекистон Республикасининг айrim конун хужжатларига узгартириш ва кушимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-760-сонли қонуни инобатга олиниб шартнома уч йил муддатга тузилиши, ҳар йили йил якуни бўйича булиб утадиган иштирокчи умумий йигилишида жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи куриб чикилиши ва бунда меҳнат шартномани давом эттирилишига жамият директорининг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши холатига, ҳар чорак якуни бўйича жамият кузатув кенгаши олдида берадиган хисботларининг даврийлигига каралиши курсатилгани;

Жамият директори Б.Тоиров 2023 йилда ижобий натижаларга эришганлиги, жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши полати яхши эканлиги, ҳар чорак якуни бўйича жамият кузатув кенгаши олдида берган хисботларипинг даврийлиги ижобий булганлиги ҳамда кузатув кенгаши томонидан унинг меҳнат шартномаси муддатини давом эттириш максадга мувофик деб топилганлиги таклифини киритди.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **еттиинчи** масалага ўтиб, 2024 йилда жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш йўли билан овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **саккизинчи** масала юзасидан жамиятда Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун сайтда ўрнатилган тартибда эълон жойлаштирилганлиги, ушбу эълонга асосан «FTF-LEA-AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилотининг таклифи кенгаш томонидан маъқулланганлигини айтди ва «FTF-LEA-AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ишлари юзасидан тайёрланган маълумот билан танишириш учун сўз жамият мутахассис А.Артиковга берди.

А.Артиков сўзга чиқиб, жамиятда Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш «FTF-LEA-AUDIT» МЧЖ томонидан ўтказилганлигини, “Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш натижаларига кўра “Фарход дехкон бозори” АЖ -101 балл йиғиб, унга “паст“ баҳо берилганлигини, фоиз жиҳатидаги якуний баҳоси -8 % ташкил этганини айтиб ўтди ва йиғилиш қатнашчиларини хулоса билан танишириди (*жамиятни Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш бўйича хулоаси ва ҳисобот илова қилинади*).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **тўққизинчи** масала юзасидан жамият бош бухгалтери Ш.Ибоев сўзга чиқиб, амалдаги қонунчиликка мувофиқ жамиятда ўтказиладиган мажбурий аудиторлик текшируvida жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп микдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиш ваколатига берилиши муносабати билан халқаро стандартларга кўра аудиторлик текширувани ўтказилиши бўйича тижорий таклиф берилиб, ушбу таклифларга асосан қуйидаги ташкилотлардан таклифлар тушганини айтиб ўтди:

1. “Назорат аудит” МСНД -12,0 млн сўм ҚҚС билан,
2. “FTE-LEA-AUDIT” МСНД 10,0 млн сўм. ҚҚС билан

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўнинчи** масала бўйича жамиятнинг кадрлар бўйича масъул ходими сўзга чиқиб, жамиятнинг ташкилий тузилмасида бўладиган ўзгаришлар лойиҳаси билан йиғилиш қатнашчиларини танишириб ўтди.

Ушбу масала бўйича ҳеч кимда савол бўлмаганлиги боис, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари саноқ ҳайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Саноқ ҳайъати йиғилиш қатнашчиларини овоз бериш натижалари билан танишириди.

<b>1-масала</b> Ёқлаган 27073747-100 % Қарши 0 –0% Бетараф 0 –0%	<b>2-масала</b> Ёқлаган 27073747-100 % Қарши 0 –0% Бетараф 0 –0%	<b>3-масала</b> Ёқлаган 27073747-100 % Қарши 0 –0% Бетараф 0 –0%
<b>4-масала</b> Ёқлаган 27073747-100 % Қарши 0 –0% Бетараф 0 –0%	<b>5-масала</b> Ёқлаган 27073747-100 % Қарши 0 –0% Бетараф 0 –0%	<b>6-масала</b> Ёқлаган 27073747-100 % Қарши 0 –0% Бетараф 0 –0%
<b>7-масала</b> 7.1. Раззоков Аҳад Анварович 27073747 та овоз 7.2. Акрамов Акбаржон ақмал ўғли 27073747 та овоз 7.3. Норхужаев Нозим Абдуқодир ўғли 27073747 та овоз 7.4. Расулов Камолиддин Райимберди ўғли 27073747 та овоз 7.5. Шомансуров Шоабор Шамақкамович 27073747 та овоз		
<b>8-масала</b> Ёқлаган 27073747-100 % Қарши 0 –0% Бетараф 0 –0%	<b>9-масала</b> 1. “Назорат аудит” МСНД - 12,0 млн сўм Ёқлаган 0 –0%, Бетараф 0 –0,0%, 27073747 100%, 2. “FTE-LEA-AUDIT” МЧЖ - 10000.0 минг . Ёқлаган 27073747, 100 0%, Бетараф 0 –0%, қарши 0- 0 %	

10-масала Ёқлаган 27073747 –100 % Қарши 0 –0% Бетараф 0 –0%		
--	--	--

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдириди. Саноқ ҳайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

## **КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНИБ**

### **ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. «Фарход деҳқон бозори» акциядорлик жамияти ижроия органи ҳамда Кузатув кенгашининг йиллик ҳисботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисботлари тасдиқлансин. (Ёқлаган 27073747 –100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

2. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик ташкилотининг ижобий аудиторлик хulosаси инобатга олинсин. (Ёқлаган 27073747 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

3. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича йиллик ҳисботи инобатга олинсин ва тасдиқлансин (Ёқлаган 27073747 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

4. Жамиятнинг 2023 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва заарлар ҳисобвараги тасдиқлансин.

4.1. Жамиятнинг 2023 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича 1374043,0 минг сўм микдорида олинган соф фойдаси қўйидаги тартибда тақсимлансин:

- Жамият ташқи аудитори томонидан берилган ижобий аудиторлик хulosасига, шунингдек, жамиятнинг бухгалтерия баланс кўрсаткичларига мувофиқ, 2023 йил якуни бўйича 1374043,0 минг сўм соф фойда олингани инобатга олиниб, ушбу фойданни таксимлаш бўйича берилган таклиф иловага мувофиқ тасдиқлансин, Бунда Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813-сонли қонуни 12-бандида “Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ микдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан, уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2024 йилнинг 1 июлига қадар 2023 йил якуnlари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи микдорида ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2024 йилнинг 1 сентябридан кечиктиримай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади. Шунингдек, устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ микдорда давлат улуши мавжуд бўлган олтин қазиб олувчи корхоналар 2023 ва 2024 йиллардаги соф фойдасининг 100 фоизини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига дивидендлар тарзида ўтказади” деб белгилаб қўйилганидан келиб чиқиб, жамият соф фойдасининг 50% қисми яъни, 687.036.250 сўми акциядорларга дивиденд тўлашга йўналтирилсин.

5. Жамиятнинг 2024 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ, кейинчалик зарур ҳолларда Кузатув кенгаши томонидан асосланган ҳолда ўзгартириш киритиш шарти билан, тасдиқлансин. Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин (Ёқлаган 27073747 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

6. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 марта даги “Корпоратив бошкарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Узбекистон Республикасининг айрим конун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тугрисида”ги УРД-760-сонли қонуни талабидан келиб чиқиб, жамият директори Б.Тоиров билан меҳнат шартнома муддати 3 йилга тузилганлиги инобатга олинсин ва унинг 2023 йил фаолияти ижобий булганлиги сабабли меҳнат шартномасини муддати давом эттирилиши тасдиқлансин (ёқлаган 27073747 та овоз –100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ).

6.1. Белгилаб куйилсинки, хар йили йил якуни буйича булиб утадиган акциядорлар умумий йигилишида жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи куриб чикилади ва бунда меҳнат шартномани давом эттирилишига жамият директорининг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш буйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши холатига, хар чорак якуни буйича жамият кузатув кенгаши олдида берадиган хисботларининг даврийлигига каралади.

7. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумуляттив овоз бериш йўли билан куйидагилар сайлансан:

7.1. Раззоқов Аҳад Анварович	27073747 та овоз
7.2. Акрамов Акбаржон Ақмал ўғли	27073747 та овоз
7.3. Норхужаев Нозим Абдуқодир ўғли	27073747 та овоз
7.4. Расулов Камолиддин Райимберди ўғли	27073747 та овоз
7.5. Шомансуров Шоаброр Шамаҳкамович	27073747 та овоз

8. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари қабул қилинсин ва жамият кузатув кенгаши ҳамда ижроия органига аниқланган камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилсин (Ёқлаган 27073747 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

9. Жамиятнинг 2024 йил фаолияти учун жамият аудитори этиб “FTE-LEA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансан ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп чегараси 10,0 млн сўм миқдори этиб белгилансин (Ёқлаган 27073747 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

10. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилсин ва қайта тасдиқлансан (Ёқлаган 27073747 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

Баённома имзоланган сана: «\_\_\_\_\_» апрел 2024 йил.

Йиғилиш раиси

Ш.Шамансуров

Йиғилиш котиби

Артиков А.А